# Вақф фонди Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 тонна гўшт тарқатди

09:31 / 22.08.2018    3366

«Вақф» хайрия жамоат фонди Қурбон ҳайитининг биринчи куни 1 тоннадан зиёд Қурбонлик гўштларини тарқатди.

Image not found or type unknown

Жумладан, қурбонлик гўштлари диний таълим муассасаларига, ёрдамга муҳтож ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган фуқаролар, кам таъминланган оилаларга берилди.

Image not found or type unknown

Ҳар бир оилага ўрта миқдорда 3-4 кг атрофидаги гўшт тарқатилди.

Қайд этиб ўтамиз, бугун «Вақф» хайрия жамоат фондига қурбонлик соҳибларидан келган гўштлар шариатда айтилган ўринларга етказилди.

Берувчи қўлдан ҳам, олувчи қўлдан ҳам Аллоҳ таоло рози бўлсин!

Шу ўринда «Вақф» хайрия жамоат фонди ушбу қурбонлик гўштларини тарқатишда фондга кўмакдош бўлган барча кўнгилли инсонларга ташаккур айтади!

Манба: vaqf.uz